



СОВЕТ ХОККЕЙЧИЛАРИНИНГ БИРИНЧИ ҒАЛАБАСИ

◆ ПРАГА СПОРТ САРОНИ — КАТТА ХОККЕЙ
МАРКАЗИ
◆ ХУЖУМЧИЛАРИНИНГ МАҲОРАТЛАРИ ВА МА-
ТОНАТЛАРИ
◆ БИРИНЧИ УНИН, ДАСТЛАВКИ ОЧКОЛАР

Утган кунни Социалистик Чехословакия пойтахтида хок-кей буйича Махон ва Европа чемпионатининг мусобақалари бошланди. Олтин Прага жаҳон хоккейининг ҳақиқий маркази-га айланди. Чемпионатда ол-тита команда — СССР, ЧССР, Швейцария, Финляндия, Германия Федератив Республикаси ҳам-да Швейцария командалари қатнашди.

Праганинг катта спорт са-ройи. Бу ердаги ҳамма ўрин-лар хоккей иштирокчилари билан тўлиб-тошган. Чунки, чехо-славияликлар спорт ўйинла-ри ичда хоккейни жуда ҳам севишди.

Бу ерда жаҳон хоккей му-собақасининг тантанали очил-иш маросими бўлди. Бунда Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети-нинг Бош секретари Гус-

тав Гусак, ЧССР Президенти Людвик Свобода ва республи-ка ҳукуматининг раиси Лю-бомир Штроугал ўртоқлар ҳам ҳозир бўдилар.

1972 йилги хоккей буйича жаҳон учрашувларининг би-ринчи уйинини Чехословакия билан Швейцария терма ко-мандаларининг хоккейчилари бошлаб берадилар. Чехосло-вакия хоккейчилари бу ўйин-да дастлабки минутларда оқ-ташбўси бутунлай ўз қўл-ларига оладилар ҳамда ўзла-рининг ҳар ғалдагидек етук маҳоратларини намойиш қиладилар. Улар рақиблари дарво-засига ўн тўққиз марта шайба киритишга муваффақ бўлди-лар. Чехословакия командаси ўз дарвозасидан фақат битта шайбани айландилар.

Унда айнаси мохир хок-кейчилардан Недомански, Ха-ас, Мартинец сингари хоккей-чилар рақиблари дарвозасини

аниқ нишонга олиб турдилар ва асосий шайбаларни шулар киритадилар. Шундай қилиб, Чехословакия командаси Швейцария командаси ўстидан 19:1 (5:0, 8:0, 6:1) ҳисоби билан ғалаба қозонди.

Шундан сўнг ахмалак устида бизнинг команدامиз йигитла-ри — совет хоккейчилари Гер-бий Германия командаси бил-ан куч синашдилар. Уйин-нинг бошланиши биланоқ ко-мандамиз йигитлари ташаб-бусни ўз қўлларига оладилар. Лекин, ҳисоб уйиннинг ўн-инчи минутидида очилди. Биринчи шайбани жаҳон чемпионатида биринчи бор қатнашган хоккейчи — Марказий Армия спорт клубининг аъзоси Ана-толий Гусев дарвозага кирит-ди. Шундан сўнг иккинчи минут ўтган, мохир хоккейчи Вале-рий Харламов рақиб дарво-засига иккинчи шайбани йўллай-ди. Учинчи шайбани эса, дар-

возага киритиш шарафига спартакчи Владимир Шадрин муваффақ бўлди.

Уйиннинг иккинчи бўлимида ҳам хоккейчиларимизнинг ўс-тулиги ҳар томонлама аниқ кўриниб турди. Улар сон жи-хатдан ҳам бўлган чоғларида ҳам ГФР дарвозабонини до-да қолдириб турдилар. Бу бўлимда ҳам совет хоккейчи-лари Юрий Блинков, Владимир Солодухин, Борис Михайлов-лар биттадан шайба киритиш-ди. Ҳисоб — 6:0.

Терма командаларнинг хок-кейчилари учинчи бўлимда ҳам зўр ғайрат билан ўйнади-лар. Бунда Александр Маль-цев, Владимир Вилков (икки-та шайба), Владимир Шадрин, Валерий Харламовлар рақиб дарвозасини бирин-кетини ни-шонга оладилар.

Шундай қилиб, Совет Итти-фоқи терма командаси Герма-ния Федератив Республикаси-нинг хоккейчиларини 11:0 (3:0, 3:0, 5:0) ҳисоби билан мағлу-биятга учратдилар. Бу—се-вимли командаларнинг Прага-даги катта ахмалак майдони-даги биринчи ғалабаси бўлди.

Кеча Швейцария билан Швей-цария ва ГФР билан Финляндия командалари учрашди. Совет хоккейчилари бутун Финляндия терма командаси билан, Чехословакия спортчи-лари эса Швейцария командаси билан берадилар.

Прагада катта хоккей му-собақалари қизғин давом этмок-да.



ЕШ ЧУПОН.

Ҳусниддин Камариддинов фотоси.

ФОТО
Конкурс:
ЎЗБЕКИСТОН-72

ОБ-ҲАВО ФУТБОЛ КАЛЕНДАРНИ ЎЗГАРТИРИБ ЮБОРДИ

Футбол буйича олий лига СССР биринчилиги биринчи даврасининг «Спартак»-«Кар-пати», «Торпедо» — «Арсенал», Марказий Армия спорт клуби — «Кайрат», «Локомотив» — Армия спорт клуби (Ростов-Дон) командалари ўр-тасидаги 15-17 апрелда Моск-вада ўтказилиши лозим бўл-ган ўйинлар 15 апрелда Львов-да, Ереванда, Олмаотада ва 17 апрель Ростов-Донда ўй-налади. Бу об-ҳаво шароити-нинг ноқулай келиши сабабли қилинди.

«Динамо» (Москва) — «Зе-ра» командалари ўртасидаги учрашув 16 апрелда Львовда бўлиб ўтди. (Дарвоқе Москва ва Берлин динамовчиларининг кубок эгаларининг кубоги учун ярим финал учрашуви ҳам 20 апрелда шу ерда ўтказилди).

Бу командалар ўртасидаги ўйинлар Москвадан кўчирил-ганлиги сабабли иккинчи дав-ра ўйинлари қуйидаги вақт-ларда пойтахтда ўтказилди: «Спартак» — «Карпати» учра-шуви 9 августда, Марказий Ар-мия спорт клуби — «Кайрат» учрашуви 15 августда, «Локо-мотив» (Москва) — Армия спорт клуби (Ростов-Дон) 13 августда, «Торпедо» — «Арс-енал» учрашуви 16 августда ўтказилди. «Зара» — «Ди-намо» (Москва) командалари ўртасидаги учрашув 13 ав-густда Ворошиловградда ўтқа-зилди.

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕС-ПУБЛИКАСИ. Тханьхоа вилоят-ида кўнгилли зенит мудофаа отряди тузилди. Суратав: ўр-мон несутчи ишчилардан ту-зилган кўнгилли отряд жанг-чилари АҚШнинг осмон куз-гуларини ўқ билан қарши олишга шай туришди.

ВНА.ТАСС. Фотоси.



Х А Р Т Ў Ф Р И Д А

ТИМСОХ БИЛАН ОЛИШУВ
Найробида хабар қилишларича, инглиз абли Карол Райдди етти яшар ўғлисини тимсохдан кўтариб олган. Тимсох қамшишорда уйнаб юр-ган кичкина Марк Райддини тишлаб сувга шун-гиди. Уни кўриб қолган Карол хоним ўша за-ҳоти ўзини сувга отиб, боланинг елкасидан ўш-лаб қолди. Яқин атрофда юрган туристлар тезда етиб келиб, болани тишлаб турган тимсоҳни ва

Карол хонимни сувдан чиқариб олишди. Тим-соҳга бир неча марта пичоқ санчишганидан кей-ин у болани кўйиб юборди. Яхияминг яралли унча оғир эмас экан, уни дарҳол яқин орадаги касалхонага элтиб қўйишди. Ҳозир Марк Рай-дди анча тузалиб қолди.

КИМ-КИМИ?
Яқинда Ҳиндистонда чиқади «Дхармаю» журналида шундай бир хабар босиди:

Шу лойқаларча заҳарли илон қаққан одам-нинг ўлиши маълум эди. Лекин яқинда Жодхпур шаҳридан 68 қақиримча нарида жойлашган Жет-ран қишлоғида унинг бутунлай асича бир во-қеа содир бўлди. 50 яшар бир деҳқоннинг заҳарли илон қақиб олдию, ўша заҳотиёқ тилмирчилаб ўлиб қолди. Деҳқоннинг айтишига қараганда, иккинчи марта шундай бўлаётган эмиш. Буни биринчи марта қақиб олган «бичхура» заҳарли илон ҳам шу тариқа ҳалок бўлган экан.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: 100.000 ГСП, ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КҮЧАСИ № 26, Редактор — 33645, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330.683. Маъсул секретарь — 334455, Маъсул се-кретарь ўринбосарлари — 337283. Партия сурмуши — 333469, 337231, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455. Халқро ҳаёт — 337221. Савоат, капитал нурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ ҳўналиги — 337604, Аллоҳтео ва соғвот — 332038. Фан, мактаб ва олий ўқув югурулари — 334451, Махаллий ахборот ва сёрт — 331424, Оммавий ишлар ва халлар — 332143, 333553. Иллюстрация — 334524, Фотография — 337343, Корректур — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутиатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд — 31—972, Термиз — 54—01, Урганч — 34—55, Ферғона — 4—29—41.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
17.00 — ФРУНЗЕ КҮРСАТУВЛА-РИ.
РАДИО
БҮГҮН

6.15 — Тонгги концерт. 7.45 — Катталарга болалар ҳақида. 8.25 — Қувноқ қўйлири. 9.30 — Шарқ қўйлири. 10.30 — Ўзбек халқ қўйлири. 11.15 — «Табассум» радиожурнали. 12.15 — Эрталаб-ки савол (Москва). 13.30 — Ва-ниниз қизлари, сизларга! 15.00 — Иқтисодий билимлар радио уни-верситети. 15.10 — Фарғона та-лантлари қўйлири. 17.40 — Дам олиш киноафишаси. 18.00 — Му-зикали глобус. 18.40 — Енгил қўй-лар. 19.20 — Эстрада концерти. 20.00 — «Эшлани» программаси. 21.00 — Мамлакат ва қишлоқларда. 21.10 — Дала меҳнатнашлари учун кечки концерт. 22.15 — «Табас-сум» радиожурнали. 23.10 — Концерт. 24.00 — Музикали про-грамма.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ
БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Музикали кўрсатув. 10.00 — Ҳуку-матнинг телевизион олимпиадаси. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янги-ликлар. 11.10 — «Вудилини». 11.40 — «ЗДОРОВЬЕ». 12.10 — Хоккей: ГФР — ФИНЛЯНДИЯ. 12.45 — Сири роҳиб (бадий фильм). 14.25 — Совет Армияси ва Флотий жаңгилари учун. 15.00 — Цирк экрани. 15.30 — Қишлоқ янги-ликлари. 16.20 — Баскетбол: ЦСКА — «СПАРТАК» (Ленинград). 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.05 — Мул-фильмлар. 18.25 — АХБОРОТ. 18.45 — МОСКВА. Киносанбақчи-лар клуби. 19.45 — АҚШ: сиеват ва проблемалар. 20.15 — ТОШ-КЕНТ. 20.35 — Область театридаги артистларнинг концерти. 21.25 — МОСКВА. 21.55 — Хоккей: ШВЕ-ЦИЯ — ЧССР. 00.15 — Ҳужжатли фильм. 00.45 — Концерт. 01.25 — Хоккей: ФИНЛЯНДИЯ — СССР.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
9.30 — ТОШКЕНТ. 9.30 кўрсат-тулари. 18.00 — МОСКВА. 18.45 — ТОШКЕНТ. Цирк томошалари. 19.15 — Замонавий бал ривислари ижроичиларнинг республика кон-курси. 20.15 — Телефильм. 21.25 — Шарқ қўйлири. 22.05 — Энг қа-димги эртан (бадий фильм).

«Ўзбекконцерт»
«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
9 апрель кундуз соат 5 ва кеч соат 8 да
ЎЗБЕКИСТОН САНАТ УСТАЛАРИ ВА ЎШ ИЖРОЧИЛАР
ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

КАТНАШАДИЛАР.
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ҚУВОНДИҚ ИСКАНДАРОВ, Жуманазар БЕКЖОНОВ, Тамара ЮНУСОВА; Солистлар Ҳасан ЙҮЛДӨШЕВ, Шерали ЖҮРАЕВ, Азиза ТУ-ЛАГАНОВА, Собир МАҲМАДОВ, Анбар ЙҮЛДӨШЕВ. ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ АСВОБЛАРИ АНСАМБЛИ
Программи — Ғулум ТОЖИ.АЪЛОЕВ олиб боради.
Билетлар сотилмоқда.

МАРКАЗИЙ «ПАХТА-КОР» СТАДИОНИДА
10 АПРЕЛЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА
СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН
«УРАЛМАШ» (Свердловск) —
«ПАХТАКОР» (Тошкент)
командалари ўртасида
ФУТБОЛ
Билетлар сотилмоқда.

«Ўзбекбирлашув»нинг рес-публика методика кабинети, Тошкент сиртки кооператив техникани дирекцияси, партия ва насаба союзу ташкилотлари техникани ўқитувчиси С. В. Пулатовга унаси
Ислом Воҳидович
ПУЛАТОВНИНГ
вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.